

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ШАРҚ ФИЛОЛОГИЯСИ ВА ФАЛСАФА ФАКУЛТЕТИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Араб тилида “хабар” ва унинг қўлланилишига
оид мулоҳаза (Ибн Ҳишомнинг “Қатрун - надо ва
баллус – садо” рисоласи асосида)**

Аннотация - Мазкур бакалавр ишида ёрдамчи сўзларнинг ўзидан кейинги сўзнинг эъроб ҳолатига таъсири ўрганилган ва таснифи келтирилган. Тадқиқотда ёрдамчи сўзларнинг семантикаси ҳам чуқур ўрганилган.

Бажарди: Хўжанова Дилдора

Илмий раҳбар: Араб филологияси
кафедраси

катта ўқитувчиси **Қосимова С.С.**

Такризчи: Зайнутдинова Ш. Қодирова М.

Тошкент 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I Боб. Ёрдамчи сўзларнинг таснифи.....	8
1.1 Тилшуносликда ёрдамчи сўзларнинг таҳлили.....	8
1.2. Араб тилидаги ёрдамчи сўзларнинг семантик таснифи.....	13
II Боб. Араб тилидаги ёрдамчи сўзларнинг синтактик таҳлили.....	21
2.1. Сўзларнинг келишигига таъсир этмайдиган ёрдамчи сўзлар.....	22
2.2. Исмларни қаратқич келишигида келишини талаб этувчи ёрдамчи сўзлар.....	26
2.3 Сўзларни тушум келишигида келишини талаб этувчи ёрдамчи сўзлар.....	32
2.4. Феъл майлларининг ўзгаришига сабаб бўлувчи ёрдамчи сўзлар.....	36
ХУЛОСА.....	40
Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	42

Кириш

Маълумки, илм – танҳоликда ҳамроҳ, ҳилватда – дўст, тўғри йўл кўрсатувчи – далилдир. Илмли инсон ҳар даврада улуғланади, унинг суҳбатидан барчанинг кўнгли ёришади, у нафақат ўзига, балки яқинларига ҳам “раҳмат” келтиради.

Илмлар турли-тумандир. Ҳар ким ўз кўнглига ёққан, ўзи истаган, орзу қилган соҳа билан шуғулланишни, унинг мохир устаси бўлишни истайди. Ҳозирда хорижий тилларни ўрганиш жуда кенг тарқалган бўлиб, у давлатимиз томонидан ҳам қўллаб – қувватланиб келинмоқда. Чунки, чет тилларини билиш орқали янги маданият, янги анъаналардан бохабар бўлиш мумкин. Бу эса мамлакатлар орасидаги алоқани мустаҳкамлайди. Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бот-бот такрорлаганларидек, мамлакатимиз келажаги юртимиз ёшлари қўлидадир. Йилдан – йилга Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан турли соҳалардаги алоқалари мустаҳкамланиб, янги босқичларга чиқиб бормоқда. Бу эса бир нечта чет тилларини биладиган мутахассисларга бўлган талабни оширади. Юртбошимиз маърузаларидан бирида шундай дейдилар: “Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини мамлакатимиз келажаги билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга дадил кириб келмоқда. Ёшларимиз сиймосида муайян касб, баъзан бир нечта йўналиш бўйича диплом олган, бир нечта хорижий тилни ўрганган, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштирган, мустақил инсон сифатида шаклланган, бир сўз билан айтганда, эл – юрт хизматига шай, юраги ёниб, кўзларидан ўт чакнаб турган навқирон йигит – қизларни кўриб қалбимизда ишонч, ғурур-ифтихор туйғулари жўш уради.”¹

¹И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағиўланган маросимида сўзлаган нутқидан//Халқ сўзи, 2009.

Демак, юртимиз равнақиға, гуллаб – яшнашиға бизнинг қўшадиган хиссамиз – танлаган соҳамизнинг устаси бўлиб етишишимиз билан боғлиқдир. Биз ёшларга чексиз имкониятлар яратилганки, айниқса, хорижий тилларни ўрганишга бўлган эътиборни таъкидламай иложимиз йўқ.

Айнан биз танлаган соҳа, яъни араб филологияси (тили ва адабиёти) ни эгаллаш учун ҳар бир арабшунос, назаримизда, тилни пухта эгалламоғи даркор.

Мамлакатимиз мустақиллигини мустахкамлаш, миллий давлатчиликнинг шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтиришдек улуг орзу умидлар билан яшар эканмиз ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас. Кимки, миллатни ўзига қарам қилмоқчи бўлса, аввало унинг маданиятига чанг солади.²

Ўз ишини ақл билан, тушуниб бажарадиган кишида меҳнатидан фахрланиш, ҳаётидан завқланиш туйғуси кучли бўлади. Ана шундай одамларни тарбиялашимиз мамлакатимиз ҳар бир фуқароси ана шундай туйғу билан яшашиға эришишимиз керак.

Барчамизга маълумки, араб тилидаги матнларнинг ҳаракатлари уларнинг таржималарини келтириб чиқаришда асосий рол йўнайди. Матнларнинг таржималарини аниқ ва тўғри чиқариш учун феъл ёки исмнинг ҳаракатларини тўғри қўйиш лозимдир. Бугунги кунга келиб, биз талабалар учун араб тили грамматикасини чуқур ўрганиш ва уни ҳаётда тадбиқ қилиш керак бўлади.

Мавзунинг долзарблиги.

²Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, 1995. 65-б

Маълумки, араб тилида флексия отларда ва феълнинг ҳозирги келаси замон шаклларида содир бўлади. Мазкур флексия араб тилида *эъроб*, деб номланади. Эъроб турлари (ёки ҳолатлари деб атаса ҳам бўлади) тўрт хил бўлади, яъни: рафъ[яъни бош келишик]; насб[яъни тушум келишик]; жарр[яъни қаратқич келишик]; жазм[яъни сукун]. Б. М. Гранде мавжуд бўлган ушбу тўртта: *у, а, и* ва *сукунли* (дамма, фатха, касра и сукун) ҳолатлардан феъл ва исм учтадан олади, икки ҳолатда мос келади, биттасида эса мос келмаслигини асарида таъкидлаган ³. Демак, ўзбек ва рус тили грамматикасидан фарқли равишда келишиклар тушунчаси араб тилида ўзгачароқ бўлиб, шартли равишда уларни *сўзларнинг ҳолатлари*, деб атасак мақсадга мувафиқ бўлади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, сўзларнинг эъrobi тўрта ҳолатда келиши мумкин. Уларнинг эъроб ҳолатларида ўзгариши маълум омиллар таъсирида содир бўлади. Ана шу омиллар ёрдамчи сўзлар, деб аталиб, уларнинг номинатив вазифаси мавжуд эмас. Аммо улар синтаксисда гап бўлакларини боғлаб турувчи асосий омиллардир. Ана шу омилларни семантикасини ва синтаксисдаги вазифасини ўрганиб, уларнинг эъробга таъсир этишига кўра тансифлаш мавзунинг долзарбигини кўрсатади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Ёрдамчи сўзлар араб тили грамматикасига доир ўқув адабиётларда батафсил ёритилган. Уларнинг гап бўлакларига таъсир этиш хусусиятлари, семантикаси қонун-қоидалар асосида тушунтирилган. Аммо ёрдамчи сўзлар турли мавзуларда ёритилган. Илмий асарларда ёрдамчи сўзлар мавзусига бағишланган кўплаб изланишларнинг натижаларини кўришимиз мумкин.⁴ Араб тилшунослари синтаксисдаги ёрдамчи сўзни ўзидан кейин келаётган

³Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: Восточная литература, 1998. –С. 160.

⁴ Қаранг: Холидов Б.З. Учебник арабского языка. –Т.: Ўқитувчи, 1981; Ковалёв А.А., Шарбатов Г.Ш. Современный арабский язык. –М.: Восточная литература, 1961; Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997; Талабов Э. Араб тили. –Т.: Ўқитувчи, 1993; Кузмин С. А. Учебник арабского языка. – Москва, 2003; 2007. القاهرة، العربية. –جامع الدروس العربية. شيخ مصطفى الغلاييني. جمال الدين بن هشام. قطر الندى و بل الصدى. –بيروت، 1995

сўзга нисбатан таъсирини ўрганиш орқали ёритилганлар. Буюк юрдошимиз Маҳмуд Замахшарий ёрдамчи сўзларни келишикларга таъсир этишига кўра “Бош келишикдагилар”, “Қараткич келишигидагилар”, “Тушум келишигидагилар” мавзуларида ўрганган.⁵ Бухоролик тилшунос олим Ҳамидуддин Даририй ёрдамчи сўзларни “Сўзларни қараткичда келишини талаб этувчи ёрдамчи сўзлар” ёки “Сўзларни тушумда келишини талаб этувчи ёрдамчи сўзлар” каби мавзуларда берган.⁶ Биз тадқиқотда имкон қадар барча ёрдамчи сўзларни ўрганиб, уларни синтаксисдаги хусусиятига кўра таҳлил қиламиз

Битирув – малакавий ишнинг манбалари. Битирув – малакавий ишимизнинг асосий манбаси сифатида Антуан Дахдахнинг "معجم قواعد العربية" асарини олганмиз. Мазкур асардан ёрдамчи сўзларнинг бир неча таснифини, ҳар бир ёрдамчи сўз қандай маъно учун келишини ўргандик. Бундан ташқари ушбу ишимизда бир қатор бошқа асарлардан ҳам фойдаландик. Битирув малакавий ишимизнинг назарий тадқиқоти учун Мустафо Ғаллайинининг "جامع الدروس العربية" асари, ҳамда Ҳифни Носифнинг "الدروس النحوية" асари ва рус шарқшуноси Б.М.Грандининг “Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении” асарларини танлаб олдик. Бундан ташқари баъзи бир дарслик китоблардан ҳам фойдаландик. Тадқиқотнинг амалий жиҳати учун асосий манба қилиб матбуот матнларини олдик.

Битирув – малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Мазкур бакалавр ишда араб тилидаги ёрдамчи сўзларни келишикка таъсир этиш хусусиятларига, яъни бошқарувига кўра тансифлашни мақсад қилиб олдик.

Юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- умумий тилшунликда ёрдамчи сўзларнинг таснифини ўрганиш;

⁵ Қаранг: Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи. –Т.: ТДШИ, 2005.

⁶Қаранг: Қосимова С. Классик араб наҳвидан бошланғич маълумотлар. –Т.: ТДШИ, 2011.78-б.

- рус ва ўзбек тилидаги араб тили грамматикасига доир асарларда берилган ёрдамчи сўзларни, имкон қадар, барчасини ўрганиш;
- араб тилшуносларининг асарларида ёрдамчи сўзлар ўрганилган мавзуларни аниқлаш;
- Антуан Дахдаҳнинг “معجم قواعد العربية العالمية” асаридаги ёрдамчи сўзларни ўрганиш ва уларнинг маъноларига оид маълумотларни аниқлаш;
- юқоридаги барча вазифаларни амалга оширган ҳолда ёрдамчи сўзларнинг таъсир этиш хусусиятига, яъни бошқарувига кўра тўрта турга таснифлаш.

Битирув – малакавий ишдаги илмий янгиликлар. Араб тили синтаксисига ёрдамчи сўзлар энг асосий элементлардан бўлиб, катта мавзу ҳисобланади. Мазкур бакалавр ишимизда ёрдамчи сўзларнинг ўзидан кейинги сўзнинг эъроб ҳолатига таъсирини ўрганиб, таснифлаш ишимизнинг илмий янгилиги ҳисобланади. Тадқиқотимиз мобайнида ёрдамчи сўзларнинг семантикасини ҳам ўрганамиз.

Ишнинг илмий аҳамияти. Бизнинг ишимизнинг илмий аҳамияти қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- араб тилидаги сўзларнинг келишигини ёки феъл майлларининг ўзгаришини ёрдамчи сўзларга боғлаб ўрганиш;
- араб филологияси кафедраси ва араб тилини ўрганишни иштайдиганлар учун илмий маърузалар, семинар мавзулари ва ўқув қўлланмалар тузишда тайёр материал вазифасини бажариши мумкин;

Битирув – малакавий ишнинг тузилиши. Битирув – малакавий иш кириш қисми, асосий икки боб, умумий хулосалар, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув – малакавий иш 45 саҳифадан иборат.

I Боб. Ёрдамчи сўзларнинг таснифи

1.1. Тилшуносликда ёрдамчи сўзларнинг таҳлили

Грамматик маънолар нафақат сўзнинг ичида, балки унинг ташқарисида, унинг атрофида, аввалам бор, мустақил сўзларнинг ёнида келган ёрдамчи сўзлар орқали ифодаланиши мумкин. Ёрдамчи сўзлар мустақил сўзларни грамматикани ифодалашдан озод қилади ёки сўз ўзгартирувчи аффиксацияга ҳамрохлик қилади.⁷ Бу ўз таркибида грамматик маъноларни кўрсатмаган мустақил сўзлар грамматикадан ташқарида туради дегани эмас, улар сўз туркумлари сифатида тилнинг грамматик тизими ичида туради. Юқорида айтганимиздек, ёрдамчи сўзлар наминатив функциядан махрумдир, чунки улар ҳеч нарсани номламайдилар ва гап бўлаклари (учун олдқўмакчи ва боғловчи вазифасида келади) ва гаплар (учун боғловчилар вазифасида) ўртасидаги муносабатларни кўрсатиб, гапдаги сўз бирикмасига боғлиқ бўлмаган баъзи бир грамматик маънони кўрсатадилар (артикллар, юкламалар, ёрдамчи феъллар, даража сўзлари).

Ёрдамчи сўзлар аксарият ҳолларда аффикс вазифасини бажаради, қиёсланг:

Я хотел согреть себя чаем / Мен Москвага поездда бордим

бу ерда жой билан тўлдирувчининг муносабати келишик флексияси билан ифодаланган.

Я хотел согреть себя посредством кофе/ Мен Москвага поезд ёрдамида бордим

гапида эса худди шу нарса ёрдамчи сўз, яъни *посредством/ёрамида* каби рус тилидаги предлог, ўзбек тилида эса ёрдамчи сўз билан ифодаланган. Ёки:

⁷Решетов В.В. Рус тили грамматикаси. –Т.:Ўқитувчи, 1976. –С. 134.

Маша красивее Наташи и Маша более красива, чем Наташа / Маша Наташадан чиройлироқ ва Маша Наташага қараганда чиройлироқ.

Агар рус тилида *мушук* сўзи гапнинг бошқа бўлакларига нисбатан келишик флексиялари билан ифодаланса: *кот, кота, коту, котом/мушук, мушукнинг, мушукка, мушук билан* ва х.к., француз тилида отларнинг тусланиши йўқ бўлганлиги сабаб, худди шу грамматик алоқалар олд кўмакчилар ёки уларнинг йўқлиги билан ифодаланади. Масалан, *Ие чат* – «мушук» (кўмакчисиз артикл билан), *ду чат* – «мушукнинг», *аи чат* – «мушукка» (олд кўмакчи билан), *пар Ие чат* – «мушук билан» (олд кўмакчи артикл билан).

“Муносабатлар грамматик бўлмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолатда улар асосий сўз бўлиб келганда лексик бўлади, алоҳида аниқ бир сўз билан келса, сўзнинг асосий семантикасида бўлади. Грамматик бўлиши учун муносабат маънолари сўзларнинг асосий, аниқ, марказий маънолари ёнида қўшимча, шу сўзларнинг таркибида бўлиши лозим; фақатгина бу шароит бўлганида улар грамматик тузилма учун зарурий умумийликка эгадир. Аслида ҳам агарда *на* кўмакчиси алоҳида сўз бўлиб, префикс бўлмаса, унинг макон, замон ва бошқа муносабатларни ифодаловчи маънолари унинг асосий маъноси бўлиб, у аниқ бир сўз билан келса, бу маъно *под, при* каби бўлади. Бу лексик сўз маънолари мавҳум тарзда тушунилмайди”⁸.

Баъзи бир лингвистлар уларни морфема сўзлар деб атайдилар, бу лексика учун маълум асосга эга. Бироқ грамматика учун алоҳида тушунтиришларни талаб қилади, ўйлаймизки, бу аслида морфема эмас, булар сўздир⁹.

Бу мулоҳаза масалани охиригача ҳам ечиб бермайди, албатта муносабатлар лексик жиҳатдан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан:

⁸ Смирницкий А. И. К вопросу о слове (проблема «тождества слова») // Труды института языкознания АН РФ, 1954. – С.4.

⁹ Ўша ерда.

позднее/кечроқ, раньше/эртароқ, выше/юқорироқ, ниже/пастроқ, лучше/ яхишироқ равишларида ва хаттоки, от сўз туркумининг ҳар қандай келишик шаклида: *люблю мать/онамни яхиши кўраман, отдам матери/онамга бераман, горжусь матерью/онамла фахрланаман*. Аммо бу ерда грамматик муносабатлар лексик услубда эмас, грамматик услуб билан ифодаланди, яъни аффикслар алмашади, лексик муносабатлар эса негизларда ифодаланди. Албатта биз бу ерда нogramматик турдаги муносабатлар ҳақида сўз юритмаяпмиз (*я люблю/мен севаман, ты ненавидишь/ сен нафратланасан* ва х.к.), бошқаси бу – ёрдамчи сўзлар. Уларнинг лексик маъноси грамматик маъноси билан бир хилдир, яъни ёрдамчи сўзларда грамматик функция уларнинг лексик табиатини ютиб юборади дейиш мумкин, аммо бу ҳам хаммасини тушунтирмайди. Бу ерда гап сонлардагидек буюм ва тушунчага бўлган муносабатлардир, яъни номлашга муносабат ва муносабатларни ифодалашдир. Сонларда “номланаётган нарса” йўқдир. Шунинг учун улар ифодалаётган тушунча ўзига хос “наrsa” бўлиб қолади, уларни сонлар номлайди; ёрдамчи сўзлар ҳам лексик жиҳатдан ифодалаётган муносабатини номлайди. Бу суппозиция деб аталади¹⁰. *Суппóзиия* – лотинча *суппоситио* – «подкладка/таглик». Ёрдамчи сўзлар орасида қуйидагиларни ажратиш лозим:

1. О л д к ў м а к ч и л а р, улар гап бўлаклари орасида тобе муносабатларни ифодалайди, масалан:

еду в метро/метрода кетаяпман, жду у метро/метро ёнида кутаяпман, пойду к метро/метрони олдига бораман, ҳамда: пошел к сестре/опасининг ёнига кетди, гляжу на тебя/сенга қараяпман, знаком с ней/у билан таниш

ёки келишик маъноларини аниқлаб беради, масалан:

у него/унда, за него/у учун, от него/ундлан; в нем/унинг ичида, на нем/унинг устида, о нем/ у ҳақида ва х.к.

¹⁰ Ўша ерда.

Кўмакчилар қўидаги муносабатларни ифодалаш учун хизмат қилади: макон (*в/ичида, на/устида, над/устида, за/орқасида, у/ёнида, атрофида* ва х.к.), замон (*до/гача, после/кейин, перед/олдида* ва х.к.), мақсад (*для/учун*), сабаб (*из-за/туфайли, благодаря/туфайли, вследствие/оқибат*) ва х.к.з.

Префикслар йўқ тилларда одатда, олд кўмакчилар ҳам бўлмайди, уларнинг ўрнини орт кўмакчилар эгаллайди, улар олд кўмакчи вазифасини бажаради, бироқ сўздан кейин туради. Масалан, рус тилидаги трамвайдаги «Место для детей» ёзувига ўзбек тилидаги қўидаги ёзув мос: *Жой балалар учун, учун* бу ерда орт кўмакчи.

2. Б оғ л о в ч и л а р, содда ва қўшма гапда тенг боғланиш маъноларини ифодалайди, масалан:

- бириктирувчи - *и, да* [дэ] / ва ;

- зидловчи: *а, но, да* [дӘ] / аммо, лекин, бироқ;

- айирув: *или – или; ли – ли; либо – либо* /ёки /ёхуд ва х.к.).

Қўшма гапда *что/...ки, как/қандай, когда/қачон, чтобы/учун* тобе алоқани ифода этади (содда гапда бу муносабатларни олд кўмакчилар ифодалайди). Боғловчилар мураккаб ҳам бўлиши мумкин: *потому что/чунки, в случае если/агар бўлса, несмотря на то что/...га қарамасдан* ва х.к. ва жуфт *если – то/агар унда, хотя – однако/ бироқ, аммо* ва х.к.

3. Ю к л а м а л а р қўидаги маъноларни англатади:

а) м о д а л маънолар, яъни сўзловчининг ўзи ифодалаётган гапига бўлган муносабати, масалан, тасдиқлаш (*же, ведь, да* [дэ] / ахир); инкор (не, ни/йўқ эмас); савол (*ли/...ми*); шартлилик (*бы/...са*); ундаш (*пусть, пускай, давай-ка/кел, қилсин,*); истак (*хотя бы, лишь бы/ бўлганда эди*); шубҳа (*де, мол, якобы/эмишки*);

б) н о м о д а л маънолар, масалан: чекловчи (*только, лишь, один, одна, одно, одни, исключительно, единственно/фақат*); аниқловчи (*именно, прямо,*

как раз, точь-в-точь/айнан); кўрсатиш (вот, вон, это, то, та, тот, те, там, тогда/ана, мана, бу ерда); ноаниқ (что-либо, -нибудь, угодно/нима бўлса ҳам ва кое-что/ бирон бир нарса олмошларда); кўшиш (тоже, также, итак, все, еще/ҳамда, яна); яқинлик маъноси (почти, чуть не/салкам); ажратувчи (а, и, и же, да, даже, все, еще/ҳамма барча, хатто ва х.к.).

4. А р т í к л. Артиклар ҳамма тилларга ҳам хос эмас, улар араб, роман ва герман тилларида зарурдир. Ёрдамчи сўзлар назарияси учун артиклар жуда ҳам муҳимдир, улар гап бўлаклари ўртасидаги муносабатларни ифодаламайдилар, тилнинг синтактик шакллари ясамайдилар, аммо мустақил сўзларнинг “грамматик ҳамрохларининг” энг типик намуналаридир. *Артикл* – французча *артисле*, лотинча *арлисулус* – «аъзо», «бўлак» сўздан олинган.

Юқорида ёрдамчи сўзлар масаласининг рус, ўзбек тили грамматикасида ёритилиши билан қисман танишдик. Чунки тадқиқотнинг мавзуси араб тилидаги ёрдамчи сўзлар масаласидир. Маълумки, араб тилида ёрдамчи сўзлар муҳим ўринни эгалайди. Ушбу тилда келишиклар сони жуда оз бўлганлиги сабабли предмет, воқеа-ҳодисанинг вақтга, ўринга муносабати, чегараланиш ва бошқа турли муносабатлар асосан ёрдамчи сўзлар ёрдамида ифодаланади.¹¹ Араб тилида ёрдамчи сўзларнинг ўзига хос жиҳати қайси сўзга боғлиқ бўлса ўша сўздан олдин келади, масалан:

—رفضت جميلة الذهاب معنا إلى السوق

Жамила биз билан бозорга боришни рад этди.

Араб тилидаги жумлада إلىбораси *бозорга* маъносини англатади. Ўзбек тилида бу ибора жўналиш келишиги ёрдамида берилади, араб тилида эса бу келишик إلىёрдамчи сўзи ёрдамида ифодаланмоқда. Бу ёрдамчи сўз ўзидан кейинги сўзни қаратқич келишигида, яъни жарр ҳолатида келишини

¹¹ Қаранг: Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. 55-б.

талаб қилмоқда, бошқача айтганда бошқармоқда. Ёрдамчи сўзларнинг шу каби бошқарувини ўрганиш ва таснифлаш мақсадида рус, ўзбек ва араб тилшуносларининг асарларига мурожаат қилдик.

1.2. Араб тилидаги ёрдамчи сўзларнинг семантик таснифи

Маълумки, араб тилида сўзлар учта катта бўлимга, яъни уч сўз туркумига: исм, феъл ва ёрдамчи (ўзгармас) юкламалар¹² қисмига бўлинган.

Ҳарф сўз туркумига предлоглар, боғловчилар ва ўзининг маъносида қолувчи равишлар киради. Б.М. Гранденинг таъкидлашича, бу сўзлар, ё ҳеч қачон сўз ўзгаришига учрамаган, ёки бошқа маънода ўзгарадиган исмнинг қотиб қолган вазнини билдиради.¹³ Араб тилида ёрдамчи сўзлар **الحروف**—**ҳуруф**(бирликда: **الحرف**—**ҳарф**), деб аталади.

Маҳмуд Замахшарий ҳарф туркуми ҳақида шундай фикрни билдириб,: “Исм ва феъл маъносидан ҳоли бўлган сўз ҳарфдир”¹⁴, - деган ва ёрдамчи сўзларни ҳарфлар бобида алоҳида ўрганган.

Тадқиқотда араб тили грамматикасидаги ёрдамчи сўзларни ўрганиш ва таҳлил этиш учун араб тилшуносларининг асарларидан фойдаландик.

Жумладан, Антуан Дахдаҳнинг “**معجم قواعد العربية العالمية**” асари тадқиқотимизнинг асосий манбаларидан бўлди.

Антуан Дахдаҳ асарининг бошида араб тилидаги ёрдамчи сўзларни таснифлаган.¹⁵ У ҳарфларни икки гуруҳга бўлади, яъни: **حروف المعاني**— маъно англатувчи ҳарфлар ва **حُرُوفُ الْمَبَانِي**—ўзгармас, маънога эга бўлмаган ҳарфлар, яъни алифбо ҳарфлари.

¹²Қаранг: Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. —М.: Восточная литература, 1998. —С. 116.

¹³Ўша асар. 125-б..

¹⁴Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-унмузжа фи-н-наҳв” рисоласи. —Тошкент: ТДШИ, 2005. 163-б.

¹⁵أنطوان الدحدح. معجم قواعد العربية العالمية. لبنان، 1992. - ص 12.

Асарда **حُرُوفُ الْمَبْنِي** ўзгармас, маънога эга бўлмаган ҳарфларга куйидаги таъриф берилади:

الحُرُوفُ الْهَجَائِيَّةُ: الْحَرَكَاتُ، التَّنْوِينُ، الضَّوَابِطُ، كِتَابَةٌ خَاصَّةٌ.¹⁶

Ҳарфларнинг икки туридан бири - маъносиз ҳарфларга араб тилидаги товушни ифодаловчи алифбо ҳарфлари, ҳаракатлар, ташидид, танвин ва баъзи ёзув элементлари киради.

Антуан Дахдах иккинчи тур ҳарфларини, яъни **حُرُوفُ الْمَعْنِي** маънони англатувчи ҳарфларни иккита функциясини келтирган, улардан бири **مَعْنِي** - **عَمَلُ الْحُرُوفِ** ҳарфларнинг маъно учун келиши, иккинчиси **حُرُوفِ** - ҳарфларнинг таъсир этиш вазифаси, яъни бошқаруви.

Алифбо ҳарфлари сўз бўлиши учун, маъно англатувчи ҳарфлар эса жумла бўлиши учун хизмат келади.

Мазкур ҳарфлар ёрдамчи сўзлар ҳисобланади. Уларнинг семантикасига оид масалани Антуан Дахдах куйидагича изоҳлаган¹⁷:

مَعْنِي الْحُرُوفِ:

1. **إِبْتِدَاءٌ** — бошланишни ифодалайди;
2. **إِسْتِثْنَاءٌ** — истиснони ифодалайди;
3. **إِسْتِدْرَاكٌ** — чекловни ифодалайди;
4. **إِسْتِفْتَاَحٌ** — кириш, муқаддимани ифодалайди;
5. **إِسْتِفْهَامٌ** — саволни ифодалайди;
6. **إِسْتِقْبَالٌ** — келаси замонни ифодалайди;
7. **إِضْرَابٌ** — тузатишни ифодалайдиган юклама;
8. **أَمْرٌ** — буйруқни ифодалайди;
9. **تَخْصِيصٌ** — истакни ифодалайди;
10. **تَحْقِيقٌ** — бажармоқ, амалга оширмоқ.
11. **تَحْيِيرٌ** — танлаш

¹⁶Ўша асар. 7-6.

¹⁷ أنطوان الدحدح. معجم قواعد العربية العالمية. لبنان، 1992. ص. 9. Қаранг:

12. تَرَجَّحٌ — умид ва истакни билдириш.
13. تَشَبُّهٌ — қиеслаш.
14. تَصْرِيفٌ — турлаш, туслаш.
15. تَعَجُّبٌ — ҳайратни ифодалаш;
16. تَعْرِيفٌ — аниқлик ҳолатини ифодалаш;
17. تَغْلِيلٌ — сабаб.
18. تَفْسِيرٌ — ажратиш, фарқлаш.
19. تَفْصِيلٌ — батафсил ифодалаш.
20. تَقْلِيلٌ — камайтириш, қискартириш;
21. تَكْثِيرٌ — кўпликни, орттиришни ифодалаш.
22. تَمَنٍّ — талабни, таклифни ифодалаш.
23. تَنْبِيْهُ — танбех, огоҳлантириш.
24. تَنْدِيمٌ — афсусланишни ифодалаш;
25. تَوْكِيدٌ — таъкидни ифодалаш;
26. جَوَابٌ — жавобни ифодалаш;
27. رَدْعٌ — тўхтатишни ифодалайди;
28. زِيَادَةٌ — қўшиш, орттиришни ифодалайди;
29. شَرْطٌ — шартни ифодалайди;
30. ظَرْفِيَّةٌ — ҳолни ифодалаш.
31. عَرْضٌ — таклиф;
32. عَطْفٌ — бириктирувчи сўзлар
33. غَايَةٌ — якун.
34. قَسَمٌ — қасамни ифодалаш;
35. مَصْدَرِيَّةٌ — аююкламалари, иш-ҳаракатниг номини ифодалаш;
36. مُفَاجَأَةٌ — бирон бир ҳодисанинг бирданига бўлиши.
37. نُدْبَةٌ — ачинишни ифодалаш.
38. نِدَاءٌ — мурожаат;
39. نَفْيٌ — инкор ифодалаш;
40. نَهْيٌ — таъқиқ, инкор;

Мазкур семантик таҳлил ёрдамчи сўзлар жумлада қандай маъно учун келишларини кўрсатади.¹⁸

Иккинчи, яъни ушбу ҳарфларнинг ўзидан кейинги сўзнинг келишигига таъсир этиши, аниқроғи бошқаришига кўра тасниф қуйидагича:

عَمَلُ الْحُرُوفِ: الْجَرُّ، الْجَزْمُ، النَّصْبُ، النَّصْبُ الْفَرَعِيُّ، الْعَطْفُ¹⁹

Ёрдамчи сўзларнинг бошқаруви: жарр ҳолати[, яъни қаратқич келишиги, фақат исмларда бўладиган ҳолат], жазм ҳолати[феълларда бўладиган ҳолат, яъни феълларнинг шарт майли шакли], насб ҳолати[тушум келишиги, мазкур ҳолат ҳам феълларда ҳам исмларда бўлади], иккиламчи тушум келишиги[сўзларнинг иккилик ва кўплик сондаги келишиги], уюшиқ бўлакларни [ҳам бошқаради].

Ёрдамчи сўзларнинг ушбу бошқарув таърифида бош келишиқ, яъни рафъ ҳолати мавжуд эмас. Бунинг сабаби рафъ келишигидаги сўз бошқарувдан ташқарида ҳисобланади. Шунини айтиш жоизки ёрдамчи сўзларнинг ҳаммаси ҳам, ҳар доим ўзидан кейинги келаётган сўзни бошқаравермайди. Ана шундай ҳолларда сўзлар бош келишиқ шаклида қолади.

Шунингдек, Антуан Дахдах ёрдамчи сўзларни морфологик структурасига кўра ҳам таснифлаган, яъни битта ҳарфли ёрдамчи сўз, иккита ҳарфли, учта ҳарфли ва тўртта ҳарфли, улар:

احادية	ثنائية	ثلاثية	رباعية	خماسية
Битта харфли	Иккита харфли	Учта харфли	Тўртта харфли	Бешта харфли
ل، ب، ت،	آ، إِذْ، أَلْ، : أَمْ، أَنْ، إِنْ، أَوْ،	آيَ، أَجَلْ، إِذَنْ، إِذَا، أَلَا، إِلَى،	إِذَا، أَلَا، إِلَّا، أَمَّا، إِمَّا، حَتَّى، حَاشَا،	لَكِنَّ

¹⁸ شيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. القاهرة، 2007. ص. 43.

¹⁹ أنطوان الدحدح. معجم قواعد العربية العالمية. لبنان، 1992. ص. 9.

ء، م، س، ف، ك، ن، ه، و، ا، ي.	أَيَّ، إِي، بَلَّ، عَنَّ، فِي، قَدْ، كَيْ، لَمْ، لَنْ، لَوْ، لَا، مُدَّ، مَنْ، مَا، نَّ، هَلَّ، هَآ، وَآ، يَآ	أَمَّا، إِنَّ، أَيَّآ، بَلَى، ثُمَّ، جَلَّ، جَبَّرَ، خَلَا، رُبَّ، سَوَفَ، عَدَا، عَلَّ، عَلَى، لَاتَ، لَيْتَ، مُنْذُ، نَعَمْ، هَيَّا	كَأَنَّ، كَلَّا، لَعَلَّ، لَكِنَّ، لَمَّا، لَوْلَا، لَوْمًا، هَلَا
-------------------------------------	---	--	---

Ушбу тасниф морфологияга оид бўлиб, башта ҳарфли ёрдамчи сўз битта эканлигини кўрсатади. Таснифга фақат асл ёрдамчи сўзлар жалб этилган. Ўзбек тили нуқтаи назаридан ўрганилган баъзи ёрдамчи сўзлар ушбу таснифда мавжуд эмас. Масалан, от-предлоглар ёки мураккаб предлоглар.²⁰

Антуан Дахдаҳ ҳар бир ёрдамчи сўзни маъно жиҳатидан қандай вазифада келиши мумкинлигини ҳам батафсил ёритиб, бир тизимга солган.²¹

Улар:

ل — бошланиш, буйруқ, турлаш, туслаш, сабаб, ҳайрат, жавобда.

ب — таъкид, ҳол, мақсад, қасам.

ت — сабаб, ажратиш, фарқлаш, кўплик яшашда, қасамда.

ء — Савол, турлаш, туслаш, мурожаатда.

م — турлаш, тусланиш.

س — келаси замон, туслаш, турлаш.

ف — бошланиш, жавоб, бириктириш.

ك — 2-шахс... қиёслаш, ажратиш, фарқлаш, таъкид.

²⁰ Қаранг: Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. —Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. 55-б.

²¹ أنطوان الدحدح. معجم قواعد العربية العالمية. لبنان، 1992. ص. 9

ن - турлаш (туслаш), ажратиш(фарқлаш), 1-чи шахс бирикма олмошининг нуни, таъкид

ه- турлаш(туслаш), ажратиш(фарқлаш), тўхташ(паузал шаклда қўлланилади)

و - бошланиш, турлаш(туслаш), ажратиш(фарқлаш), кичрайтма отларда, кўпликда, ҳолда, боғлашда, қасамда.

۱- мурожаатда

ي- турлаш (туслаш), ажратиш(фарқлаш)

آ- турлаш (туслаш), ажратиш(фарқлаш)

ۈ- сабаб, ҳол, бирон бир ҳодисани бирданига бўлиши.

اُن - аниқлик артикли, нисбий олмош, кўплик яшаш.

اُم - бириктирувчи.

اُن - ажратиш(фарқлаш), таъкид, кўпайтириш, иш-ҳаракати номи яшаш

اِنْ - таъкид, кўпайтириш, шарт.

اُو - истисно, тузатиш юкламаси, танлаш, фарқлаш, ҳол ва боғлашда.

اَي - ажратиш(фарқлаш), мурожаатда.

اِي - жавобда.

بُن - бошланиш, тузатиш юкламаси, уюшиқ бўлакни бириктиришда.

عُن - сабаб, изоҳловчи ва ҳолда.

فِي - сабаб, кўпайтириш, орттириш ва ҳолда.

قَدْ - бажариш, амалга ошириш, камайитириш, етарли бўлишда.

كِي - кўпайтириш, якун, масдарни ифодалаш учун қўлланилади.

لَمْ - инкорда.

لَنْ - инкорда.

لَوْ - талаб ва шартда.

لَا - жавоб, уюшиқ бўлақларни бириктириш, инкор ва таъқиқни ифодалашда.

مُنْ - ҳолда.

مِنْ - кўпайтириш, батафсил ифодалаш ва ҳолда.

مَا - даражаланмаган исмлар маъноси, савол ва ҳайратда.

نَ - турлаш, туслаш, таъкидда.

هَلْ - саволда.

هَا - танбех, огоҳлантиришда.

وَ - ачиниш, мурожаатда.

يَا - ачиниш, мурожаатда.

آيَ - мурожаатда.

أَجَلَ - жавобда.

إِذَنْ - жавобда.

إِذَا - жавобда.

أَلَا - кириш, истак, танбех, огоҳлантириш, таклиф, афсус, инкорда.

إِلَى - ҳол, якунда.

أَمَّا - кириш, бажармок, таклифда.

إِنَّ - таъкидда.

أَيَّا - мурожаатда.

جـلى - жавоб.

تـم уюшиқ бўлақларни бириктиришда.

جـلـن - жавобда.

جـير - жавобда.

خلا - истиснода.

رُب كўпайтириш ва камайитиришда.

سوف кутиб олиш, қаршилашда.

عدا - истиснода.

عل умид ва истакда.

على тузатиш(ўзгартириш), сабаб, таъкид, шарт ва ҳолда.

لات инкорда.

ليت талаб ва таклифда.

مُنذ ҳолда.

نعم жавобда.

هيا мурожаатда.

إنما шарт, ҳолда.

ألا истак, афсусланиш, инкор, таъқиқда.

إلا истисно, уюшиқ бўлақларни бириктиришда.

أما батафсил ифодалаш, таъкид, шарт.

إما танлаш, батафсил ифодалашда.

حتى бошланиш, истисно ва сабабда.

حاشا - истиснода.

كَانَ - тузатиш (ўзгартириш), қиёслашда.

كَلَّا - тўхташни ифодалашда.

لَعَلَّ - умид ва истак, талаб ва таклифда.

لَكِنْ - тузатиш (ўзгартириш).

لَمَّا - ҳол, инкорда.

لَوْلَا - истак, шарт, таъкидда.

لَوْمًا - истак, шарт, таъкидда.

هَلَا - истак, афсусланишни ифодалашда.

لَكِنَّ - тузатиш(ўзгартириш)да.

Антуан Дахдах, шунингдек. ёрдамчи сўзларни грамматик функциялари ва уларнинг хусусиятлари борасида ҳам таснифни амалга оширган. У исмларда қўлланадиган ёрдамчи сўзларни ва уларнинг бошқарувини кўрсатган. Шунингдек, фақат феълларда қўлланадиган ёрдамчи сўзларни бошқаруви билан ўрганган.²² Ҳам феълда, ҳам исмда қўлланадиган ёрдамчи сўзларни ва уларнинг бошқарувига оид таснифни амалга оширган.²³

Маълумки, араб тилида келишик тушунчаси ўзгачароқ талқин қилинади. Бу борада тадқиқотнинг кириш қисмида таъриф берганмиз. Сўзларнинг охирида бўладиган ўзгариш унга таъсир этадиган омилга боғлиқ.²⁴ Мазкур ўзгариш исмларнинг келишигида ва ҳозирги келаси замон феъл шаклларида, майиллар ҳосил қилишда содир бўлади. Демак, исмларнинг келишиги ва майилларни англаш уларга таъсир этаётган ёрдамчи сўзларга боғлиқ. Антуан Дахдах маънога эга ҳарфларни, яъни ёрдамчи сўзларнинг ана шу таъсир этиш

²² Кузмин С. А. Учебник арабского языка. – Москва, 2003. – С. 93.

²³ Қаранг: 6-9. ص. 1992، لبنان، معجم قواعد العربية العالمية. أنطوان النحّاح.

²⁴ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: Восточная литература, 1998. –С. 291.

хусусиятига кўра ҳам таснифлаган. Мазкур хусусиятни куйидагича тушунтириш мумкин: ҳар бир ёрдамчи сўз ўзининг таъсиридаги исмга таъсир этиб, ё қаратқич ё тушум келишигида келишини талаб қилади. Агар таъсир сўз феъл бўлса насб ҳолатида ёки жазм ҳолатида келишини талаб қилади. Агар ёрдамчи сўз таъсир этмаса исмлар бош келишикда, феъллар эса дарак майлида бўлади. Антуан Дахдах таъсир кўрсатмайдиган, яъни ундан кейин бош келишик қўлланиладиган ёрдамчи сўз, тушум ва қаратқични талаб қиладиган ҳамда феъл ва исмга таъсир эта оладиган ёрдамчи сўзларнинг ҳам таснифини келтирган. Аммо бу таснифни келтирмадик, чунки бу таснифни биз тадқиқотнинг кейинги фаслларида ўрганамиз.

II Боб. Араб тилидаги ёрдамчи сўзларнинг синтактик таҳлили

Кўплаб ёрдамчи сўзлар исмий ва феълий ўзаклардан фарқланувчи олмош ўзакларидан таркиб топади. Ёрдамчи сўзлар ўзгарувчан эмас. Улар гапдаги сўзларни ва жумлаларни ўзаро боғлашда хизмат қилади. Ёрдамчи сўзлар равишлар, предлог, боғловчи вазифасини ўтайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, араб тилида сўзларнинг эъробини маълум таъсир натижасида содир бўлади. Асосий таъсир этувчи омил бу ёрдамчи сўзлар.

Битта ёрдамчи сўз бирқанча грамматик вазифаларга эга бўлиши мумкин. Масалан, Ёюкламаси исмдан олдин қаратқич келишигидаги предлог бўлиб, феълдан олдин истак майлидаги боғловчи бўлиб келиши мумкин.²⁵ Шунингдек, ёрдамчи сўзлар ва исмлар орасида қатъий чегара (тўсиқлик) мавжуд эмас. Уларга кўп учрайдиган аниқ, ноаниқ ёки бириккан тушум келишигидаги от ва сифатлар киради.

Масалан:

اليوم، الآن، غدا، فوق، تحت، شمالاً

²⁵ Кузмин С. А. Учебник арабского языка. – Москва, 2003. – С. 91.

Баъзида бу бош келишигидаги исмлар бириккан ҳолда келади, масалан:

عل، فوق

Шундай қилиб, исмлар ва ёрдамчи сўзлар ҳамда ҳар хил вазифани бажарувчи ёрдамчи сўзлар ўртасидаги чегара ғоят қалқиб туради.²⁶

Ёрдамчи сўзлар ёки юкламаларни тенг бўлмаган 2 гуруҳга бўламиз:

а) Туташ, яъни очик бўғин ва қисқа унлидан ташкил топган. Улар ўзидан кейинги исм ва феълга бирикувчи бўлиб, ёзувда қўшиб ёзилади.

б) Ажратма (ажратилган), яъни алоҳида сўз билиб, ажратиб ёзиладиганларни ифодалайди. Уларга кўпгина ёрдамчи сўзлар тегишлидир.

Биз ёрдамчи сўзларнинг бошқарувига кўра таснифни амалга оширамиз, бошқарилаётган сўз исм ё ҳозирги-келаси замон шаклидаги феъл бўлиши мумкинлигини биламиз. Тасниф жараёнида биз ҳам исмларга, ҳам феълларга таъсир этувчи ёрдамчи сўзларни ўргандик. Мазкур бобимизнинг биринчи фаслида бош келишикдаги исмлар ва дарак майлидаги феъллар билан келган ёрдамчи сўзларни келтирдик. Иккинчи фаслда фақат тушум келишига исмлар ва истак майлидаги феъллар ва уларни бошқараётган ёрдамчи сўзларни кўрсатдик. Учинчи фаслда фақат исмларда бўладиган қаратқич келишиги ва фақат феъл шаклларида бўладиган шарт майли ва уларни бошқарадиган ёрдамчи сўзларни ўргандик.

2.1. Сўзларнинг келишига таъсир этмайдиган ёрдамчи сўзлар

²⁶Эслатма! Араб грамматикасининг мутахассислари юклама ёки маъно учун келадиган юклама номи остида (خرف جاء لمعني (خرف جاء لمعني) исм билан боғлиқлик жиҳати қолмаган, маълум вазнларга эга бўлмаган турли хил юкламаларни бирлаштиради. Келишиги кўриниб турган бошқа ёрдамчи сўзлар исмларга киради.

Мазкур фаслда сўзларни рафъ ҳолатида келишини талаб этувчи ёрдамчи сўзларни кўриб чиқамиз.²⁷ Аниқроғи сўзларнинг келишигига таъсир этмайдиган ёрдамчи сўзларни ўрганамиз.

Бундай ёрдамчи сўзларни кўриб чиқиш учун биз уларнинг маъно ва вазифасига ҳам эътибор бердик, улар:

Юкламаси саволни ва мурожаатни ифода этишда хизмат қилади. Масалан:

Сен қилдингми шунини? – أَفَعَلْتَ ذَلِكَ؟

Эслатма! Бу юкламадан сўнг “васлали алиф” ёзилмайди. Масалан:

У сени ўғлингми? – أَبْنُكَ هُوَ؟

Ушбу юклама ўзидан кейин келувчи сўзларнинг келишигига таъсир кўрсатмайди.

Юкламаси мазкур фаслда ягона туташ юкламаси ҳисобланиб, у бириктирувчи боғловчидир. (حرف العطف). Масалан:

У ўрганди, сўнг ўргатди. – تَعَلَّمَ فَعَلَّمَ.

У йиқилди (шу сабабли) ўлди. – سَقَطَ فَمَاتَ.

Ҳар бир келтириб ўтилган вазиятда боғловчиси аниқлик майлида турувчи, яъни рафъ ҳолатидаги феълга таъсир кўрсатмайди. Аммо баъзи ҳолларда мазкур юкламадан кейин келувчи феъл насб ҳолатида келади, бу масалани кейинги фаслларда ўрганамиз.

Ажратма предлоглар вазифасини ўтовчи шаклсиз юкламалар баъзида боғловчи ролини ҳам ўйнаши мумкин.

Юкламаси янги жумланинг бошланиши олдидан боғловчи вазифасида, яъни уловчи боғловчи (للعطف) вазифасида келади ва ўзидан кейин

²⁷ Қаранг: 27. ص. 2007. – القاهرة، جامع الدروس العربية. – شيخ مصطفى الغلاييني.

келаётган сўзни рафъ ҳолатида келишини талаб қилади, аниқроқ айтганда ўзидан кейинги сўзга таъсир кўрсатмайди.

юкламаси боғловчи вазифасида ҳам қўлланилиши мумкин, шунда у келишиikka таъсир кўрсатмайди. Масалан:

Болалик пайтимизан бери. – مُنْذُ نَحْنُ صِغَارٌ.

юкламаси ўинкоридан ташкил топган ва бу юкламадан сўнг келишиk бош ёки қаратқич келишигида қўйилади. Бош келишкка мисол:

Мени инсонлар, айниқса Амр қойил қолдиради. – أَعْجَبَنِي النَّاسُ وَ لَا سَيِّمًا عَمْرُو

Қаратқичда бошқаришини кейинги фаслда кўрамиз.

Саволни ифодалаш ва сўроқ юкламалари:

1. Умумий саволни ифодалашда сўз бошида қўйиладиган *هل* юкламалари қўлланилади. Масалан:

Ҳажга боришини хоҳлайсанми? – هَلْ تُرِيدُ الْحَجَّ؟

2. Алтернатив савол олдида саволнинг биринчи қисми шу юкломаларнинг ўзи билан маълум қилинади, иккинчи қисми эса – *أم* ёки *أو* юкламалари билан. Масалан:

Уйда Зайдми ёки Амр? – أَرَيْدُ فِي الدَّارِ أَمِ عَمْرُو؟

3. *أ*юкламаси – *أليس* инкорлари билан инкорий саволни ифодалайди. Масалан:

У келмадими? – أَلَمْ يَجِئْ؟

4. *ألا*юкламаси ўзининг асосий маъносида эмас, эътиборни жунбушга келтириш учун шеър бошида қўлланилади. Масалан:

أَلَا مَنْ مُبْلَغُ فِتْيَانٍ فَهَمَّ بِمَا لَقِيتُ عِنْدَ رَحَا بَطَانٍ –

Эвоҳ, Фаҳминг ёшларига Раҳа – Битанда нимани учратганимни ким етказади?

Юқорида келтирилган савол юкламалари сўзларнинг келишигига таъсир кўрсатмайди.

Тасдиқ жавоби юкламалари ҳам сўзларнинг келишигига таъсир кўрсатмайди, улар:

1. Оддий "نعم" тасдиқ юкламаси хоҳлаган жумлада тасдиқ, сўроқ, инкордан сўнг қўлланилади. Масалан:

Зайд ёнингга келдимми? – Ҳа! – هل جاءك زيد؟ نعم.

Инкорий ёки инкорий савол жумласидан сўнг инкорнинг ўзи тасдиқланади:

Зайд келмадимми? – Ҳа, (у келмади). – أما جاء زيد؟ نعم.

2. “هَلْ” – инкорий савол, шунингдек инкордан сўнг қўлланилади ва инкорни тескарисини тасдиқлаб инкорни инкор этади. Масалан:

Сен эмасми буни айтган? – Ҳа, (буни мен айтдим) – أَلَسْتُ بِقَائِلِ ذَلِكَ؟ بلى.

"نعم" жавоби эса “ҳа, буни мен айтмадим” қабилида бўлар эди.

Маълумки, инкорни ифодалашда қуйидаги инкор юкламалари қўлланилади:

1. Фейлий инкор:

Инкор феъл олдида *لَمْ، لَمَّا، لَا* юкламалари орқали ифодаланади:

1. *فَعْلٌ* феъл олдида қўлланилади:

a) Перфектда (ноаник): *Мен чиқмадим. – ما خرجت*

b) Имперфектда (буйруқ майл): *У келмаяпти. – ما ييجي*

2. *لَا*нинг қўлланилиши:

a) Имперфект олдида келаси замонни инкор этган ҳолда аниқлик майлида:

У келмайди. — لَا يَجِيئُ

b) Иккиланган инкор олдида:

— إِنِّي مَا قَتَلْتُ ابْنَكَ وَلَا ضَرَبْتُهُ

Мен сенинг ўғлингни ўлдирмадим, урганим ҳам йўқ.

c) Баъзида иккиланган инкор билан ўтган замон олдида:

У емади ҳам, ичмади ҳам. — إِنَّهُ لَا أَكَلَ وَلَا شَرِبَ.

d) Баъзи ҳолларда агар ўбоғловчиси билан боғланган икки феъл олдида фақатгина иккинчиси инкор этилган ўтган замон феъли олдида:

— جَاءَنِي وَلَا سَأَلَنِي شَيْئًا. *У менинг олдимга келди ва ҳечнарсa сўрамади.*

e) Дарак майли олдида:

У менинг олдимга гаплашмасдан келди. — جَاءَنِي لَا يَتَكَلَّمُ.

g) Инкорий ҳолатни ифодалаш учун перфект олдида:

— لَا سَلَّمَ عَلَيْكَ وَلَا نَظَرَ إِلَيْكَ. *Сени кутиб олишмасин, қарашмасин ҳам.*

2. Исмий инкор:

a) Агар ўинкори олдида эга артикл билан аниқланган шахсий исм ёки исм бўлса, у ҳолда кесим бош келишиқда туриши мумкин. Масалан:

Зайд касал эмас. — لَا زَيْدٌ مَرِيضٌ.

b) Шунингдек, ўюкламаси предметнинг мавжудлигини инкор этишда ҳам тасвирий инкор учун қўлланилади. Агар кесим мавжуд бўлса у ҳолда у бош келишиқда қўйилади. Масалан:

Инсонлар уйда йўқдирлар. — لَا رِجَالٌ فِي الدَّارِ.

Ҳеч нарса абадий эмас. — لا شيء دائم.

с) Агар тасвирий инкорда инкор этилаётган Ўюкламасига эргашмаса, у холда у бош келишикда қўйилади. Масалан:

Уйда инсонлар йўқ. — لا في الدار رجال.

Юқорида ўрганилган ёрдамчи сўзлар жумланинг ҳеч бир бўлагига таъсир кўрсатмайди. Демак, улар сўзларни рафъ ҳолатида бошқаради десак бўлади. Сўзнинг келишигига таъсир этмайдиган ёрдамчи сўзлар ўзидан кейинги сўзга деярли қўшилиб келмайди, яъни туташ бўлмайди. Бундай ёрдамчи сўзлардан факт **ف** боғловчиси ўзидан кейинги сўзга қўшилиб келади. Туташ юкламаларни кейинги қисмда алоҳида ўрганамиз. Туташ юкламалар (**الحرف المتصلة**) 8 та. Грамматик вазифалари ва мазмунига кўра бу – аксарият ҳолларда предлоглар ва боғловчилардир.

2.2.Сўзларни қаратқич келишигида келишини талаб этувчи ёрдамчи сўзлар

Араб тилидаги ёрдамчи сўзларнинг аксарияти предлоглардир. Деярли фақат предлоглар исмларни қаратқич келишигида келишини талаб қилади.²⁸

Туташ Ўюкламаси предлогдир ва ҳаракат, яқинлик, бирор бир ҳаракатнинг биргаликда олиб борилиши, ҳаракатнинг вақти ёки ўрнини, касам, ҳаракатнинг сабаб ёки асосини, нархни, вақт меъёри ёки масофасини билдиради²⁹:

У ручкада ёзди. — كَتَبَ بِقَلَمٍ.

У унинг ёнида ўтирган эди. — جلس به.

²⁸ Талабов Э. Араб тили. –Т.: Ўқитувчи, 1993. 65-б.

²⁹ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: Восточная литература, 1998. –С. 394

У ўз оиласи билан кетаётган эди. سارَ بِأَهْلِهِ.

Энг яхши йўл билан. بِأَحْسَنِ وَجْهِ.

Кеча ва кундузда. بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ.

У ўз айби туфайли ҳалок бўлди. هَلَكَ بِذَنْبِهِ.

Баланд бўлмаган нархга (эвазига). بِثَمَنِ قَلِيلٍ.

Шундан сўнг узоқ вақтга. بَعْدَ ذَلِكَ بِدَهْرٍ.

Шунингдек, ушбу предлог ўтимсиз феъл ҳаракатини ўтимлига айлантиради.

У келтирди. جَاءَ بِهِ.

Ўюкламаси билан биргаликда тўсатдан пайдо бўлиш маъносида қўлланилади:

Ва мана у тўсатдан пайдо бўлди. وَ إِذَا بِهِ حَاضِرًا.

Ўюкламалари ёрдамида бирор нарсанинг йўқлигини ифодалайди:

Текин. بِلَا ثَمَنِ.

Шунингдек, ғоявий гапларда ҳам қўлланилади:

У менинг хузуримга келтирилсин. عَلَى بِهِ.

Бу юклама кўплаб феъллардан сўнг қўлланилади:

У унинг қўлидан тутди. أَخَذَ بِيَدِهِ.

Туташ Ўюкламаси қасам мазмунини ифодалашда қўлланилади ва ўзидан кейинги исмни қаратқич келишигида келишини талаб қилади.³⁰

جمال الدين بن هشام. قطر الندى و بل الصدى. بيروت، 1995. ص. 246.³⁰

Туташ юкламаси бошқа предлоглар каби қаратқич келишигини бошқаради ва солиштиришни билдиради. حرفٌ تَشْبِيهٍ, деб аталади.

Бошқа предлоглардан фарқли равишда бу юклама бирикма олмошлари билан боғланмайди. У кишилик олмошлари билан келиши мумкин. Агар бирикма олмошлари билан келса إيا сўзини олади. Масалан:

Сен каби. – كَأَنْتَ، كَأَيَّاهُ

Ушбу юклама жуда кам ҳолларда бирикма олмошлари билан ҳам келиши мумкинлигини Б.М. Гранде асарида таъкидлайди.³¹

Юкламаси предлог вазифасини бажариб, бирор бир манзилга йўналганликни, етиб олганликни, белгиланган муддатгача бўлган вақт қисмини, бирор бир нарсанинг бирор бир нарсага боғланишини ва тенглигини, баъзи бир ҳолатларда ўпредлогини билдиришда (маъносида), шунингдек, баъзи бир идеоматик маъноларни англатишда қўлланилади:

У шаҳарга кетаётган эди. – سافرَ إلى المدينة .

Бу ерга. – إلى هنا .

У менинг ёнимга келди. – أتىَّ إلىَّ .

Кечгача. – إلى المساء .

Мана сенга китоб. – إليك الكتابُ .

Юкламаси вақт чегарасини билдирганда (للغاية؛ للانتهاء)³², қаратқич келишигидаги исм олдидаги предлог вазифасида келади, масалан:

Тушгача. – حتَّى الظُّهر .

Юкламаси предлогдир, у устида ниманидир борлиги (жойлаштирилганлиги), устуда ниманидир ҳаракатланаётганлигини,

³¹ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: Восточная литература, 1998. –С. 397

³² شيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. –القاهرة، 2007. ص. 131

кимгадир қарши ҳаракатни, душманлик алоқаларини, қарз бўлиш маъносини ифодалашда хизмат қилади.³³ Шунингдек, у – давомида, муддатда, маъноларини ифодалашда *في*юкламасини, восита маъносида эса *ب* предлогини ифодалаш мумкин. *أن*боғловчиси билан биргаликда турли маъноларни англатиш билан бир қаторда баъзи бир идеоматик маъноларни англатишда ҳам хизмат қилади.

Мисоллар:

У ерга йиқилди. – *وَقَعَ عَلَى الْأَرْضِ.*

У ўз уйининг эшикларига ёзди. – *كَتَبَ عَلَى بَابِ دَارِهِ.*

У султонга қарши чиқди. – *خَرَجَ عَلَى السُّلْطَانِ.*

Мен унга жавобгарман. – *هُوَ عَلَيَّ.*

*عن*юкламаси ҳам предлогдир, у бирор бир нарсадан ажралиш ва бу асосийдан кенгайган маъноларни ифодалашда қўлланилади.³⁴ Мисоллар:

У дўстларидан ажралди. – *إِفْتَرَقَ عَنْ أَصْحَابِهِ.*

У бундан уни чалғитди. – *شَغَلَهُ عَنْ ذَلِكَ.*

У об – ҳаво ва сиёсат хусусида гапирди. – *تَكَلَّمَ عَنِ الطَّقْسِ وَ السِّيَاسَةِ.*

*في*юкламасининг асосий маъноси ниманидир ичида жойлашганлиги, бунга жой, макон билан бир қаторда вақт ҳам киради. Баъзи бир ҳолатларда сабабни, сонни бир – бирига кўпайтириш, майдоннинг узунлиги ва кенглигини ифодалашда ҳам қўлланилади.

Мисоллар:

Шаҳарда – *فِي الْمَدِينَةِ.*

У чуқурликка йиқилди – *وَقَعَ فِي جُبٍّ.*

³³ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: Восточная литература, 1998. –С. 402

³⁴ Ковалёв А.А., Шарбатов Г.Ш. Современный арабский язык. –М.: Восточная литература, 1961. –С. 531.

بِعْتُ ذَلِكَ فِي دَيْنِي – Қарзим туфайли буни сотдим.

ضَرَبَ أَرْبَعَةً فِي خَمْسَةٍ – У тўртни бешига кўпайтирди.

Предлогига I- шахс бирикма олмошининг қўшилиши натижасида ن مانا, منи: ҳарфи ташдид билан бирга ёзилади:

Бу предлог ҳаракатнинг тугаганлигини (етиб олганини, охирини), масофанинг бошланиш пунктини, тугалланган вақтни, бошланиш вақт, қутулмоқ, четлашмоқ феъллари ёнида эса нимадандир қочмоқ, четлашмоқ маъноларини, ходисанинг сабабини, аниқ фактни, бўлақларда ташкил топган бутунликни, тегишлиликни, (кимнингдир) келиб чиқиши каби кўплаб маъноларни англатишда қўлланилади.³⁵

Айниқса, элативга қиёсий даражани беришда қўлланилишини алоҳида таъкидлаш лозим من احسنдан яхши.

Мазкур предлогга қуйидаги мисолларни келтирамиз:

جاءَ مِنْ دِمَشْقَ – У Дамашқдан етиб келди.

مِنْ أَوَّلِهِ إِلَى آخِرِهِ – Бошидан охиригача.

مَاتَ مِنَ التَّهَابِ الرَّثَّةَ – У енгил шамоллашдан ўлди.

هو مِنَ الْفَاحِشِينَ – У – деҳқонлардан.

مِنَ الْعَدُوِّ – Кейинги тонг.

منذ юкламаси баъзи бир вақт даврининг пайтини ифодалайди منذ ёки منذ. Шунингдек, ушбу юклама منذ предлоги, أن боғловчиси ва феъл билан бирикиши мумкин.³⁶ Масалан:

مُنْذَ أَنْ غَفَرَ لَهُ اللَّهُ – Аллоҳ уни кечиргандан буён.

³⁵ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: Восточная литература, 1998. –С. 406

³⁶ شيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. –القاهرة، 2007. ص. 131

Шуни айтиш керакки, аслий бўлмаган равиш ёки от предлоглар вазифасида аниқ исмий келиб чиқишга эга бўлган баъзи бир исмлар ёки сўзлар қўлланилади, шу сабабли улар шундай аталади. Одатда предлогсиз бирикмалардан ташқари мустақил исм сифатида қўлланилмайди. Предлоглардан сўнг аслий бўлмаган предлоглар қараткич келишигида кўйилади. Лекин жумлада аслий бўлмаган предлоглар асосий маъносини йўқотиб, ёрдамчи сўзга, асосан предлогга айланиб қолган.

Айнан шу исмлар бош келишикдаги ўзгармас шаклда равиш сифатида қўлланилади.

Аслий бўлмаган предлогларнинг баъзиларида исмий келиб чиқиш кучли сўндирилган ва маълум бир ҳолатларда уни исм эканлиги билиниб қолади. “ бирга” предлоги тушум келишигидаги *مع* “ бирга” сўзининг борлиги сабабли келиб чиқишига нисбатан исм ҳисобланади. *دون* ва *عند* предлоглари бошқа предлоглардан сўнг қараткич шаклга эга бўлади.³⁷

مع предлоги ҳақида маълумот берадиган бўлсак, ушбу предлог қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Жойлашув ёки ҳаракатнинг биргаликда ифодаланиши:

У мен билан бирга келди. — *جاءَ مَعِيَ.*

2. Бирор нарсанинг ёнида жойлашганликни:

Қишлоқ ёни (яқини) даги лагерда жойлашди. — *عَسَكَرَ مَعَ الْقَرْيَةِ.*

3. Кузатув (ўзи билан биргаликда нимагадир эга бўлмоқ) маъносида:

У билан биргаликда оиласига хат жўнатди. — *أَرْسَلَ مَعَهُ كِتَابًا إِلَى أَهْلِهِ.*

³⁷ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. —М.: Восточная литература, 1998. —С. 408.

عند предлоги ниманидир яқинида жойлашган жой, нимагадир эгалик, ҳаракат вақти маъноларини ифодалайди. Шунингдек, фикрга ёки бирор нарсага ишонтиришга ишора қилади. Мисоллар:

Эшик олдида. — عِنْدَ البابِ.

Унда китоблар кўп. — عندهُ كتبٌ كثيرةٌ.

Кечга яқин келди. — جاء عند المساء.

بين предлоги “оралиқ” исмидан келиб чиққан ва нарсалар ёки пунктлар оралиғида жойлашганликни, алоҳида нарсалар ёки вақтни бутун оралиқда жойлашганини, одамлар ўртасидаги муносабат, алоҳида нарса ёки предметларнинг бирлашуви, икки ҳолат орасида иккиланиш каби маъноларда ифодаланади.³⁸

Мисоллар:

Бу қишлоқ Дамашқ ва Байрут орасида. — هي قرية بين بيروت و دمشق.

Уларнинг орасида келишув ўрнатилган эди. — تَقَرَّرَ القاعدةُ بينهمُ.

Аёллар ўзаро гаплашардилар. — قالتِ النساءُ بينهمُ.

Мен гоҳида ухлаб, гоҳида уйғоқ бўлардим. — و إنّي بين نائمٍ و يقظانٍ.

ب сўзи кўпинча асосий маъноси хитоб, нидо маъносида қўлланилади. Бу сўз қаратқич келишиқда исм билан уйғунлашади ва предлог ҳисобланади (бошқарувга нисбатан). Мисоллар:

Балки у бизнинг ёнимизга келар. — ربّما يجيئ إلينا.

Қасамни ифодалашда ҳам қаратқич келишиги қўлланилади. Қасам исмга бирикувчи, қаратқич келишигини талаб қилувчи, нимага қасамлигини билдирувчи ب، و، ت юкламалари ёрдамида ифодаланади³⁹:

³⁸ Ковалёв А.А., Шарбатов Г.Ш. Современный арабский язык. —М.: Восточная литература, 1961. —С. 531.

³⁹ شيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. —القاهرة، 2007. —ص. 131.

a) ب – қасам феъли билан биргаликда ёки у сиз:

أَفْسَمْتُ بِرَأْسِكَ – Сенинг бошинг билан қасам ичаман!

b) و – феълсиз, шунингдек ушбу юкламадан сўнг туташ олмошлар бўлиши мумкин эмас. Масалан:

وَلِحَيَةِ أَبْيِكَ – Отангинг соқоли билан қасам ичаман!

c) ت – ни ифодалашда ва камдан кам ҳолларда бошқа жумлаларда. تالله

Шуни айтиш жоизки, қасам ل юкламаси билан бош келишикда ифодаланади.

حاشا юкламаларидан сўнг истисно сўз қаратқич ёки тушум келишигида туриши мумкин. Масалан:

رَأَيْتُ كُلَّهُمْ حَاشَا عَمْرٍو – Мен Амрдан таишқари ҳаммани кўрдим.

لا юкламаси ۋинкоридан ташкил топган, ва бу юкламадан сўнг келишик бош ёки қаратқич келишигида қўйилади. Масалан:

أَعْجَبَنِي النَّاسُ وَلَا سَيِّئًا عَمْرُؤَ - Мени инсонлар, айниқса Амр қойил қолдиради.

Мазкур предлоглар ва кўрганимиздек баъзи сўзлар исмларни қаратқичда келишини талаб этади. Яъни исмлар жарр ҳолатида бўлади. Бу ҳолат юқорида таъкидлаганимиздек феълларда мавжуд эмас.

2.3 Сўзларни тушум келишигида келишини талаб этувчи ёрдамчи сўзлар

Исмларни тушум келишигида келишини талаб этувчи сўзлар ҳақида қуйида маълумот берамиз.

Аввалги фаслда ۋинкор юкламаси ўзи инкор қилаётган сўзга таъсир этмаслигини кўриб чиққан эдик. Агар ۋюкламаси иккита инкор этилаётган

исм олдидан қайтарилса, у ҳолда бу исмлардан ҳар бири нунатсиясиз тушум келишикда ёки бош келишикда қўйилиши мумкин.⁴⁰ Масалан:

Уйда эркак ҳам аёл ҳам йўқ – لا رَجُلٌ و لا امرأةٌ فى الدارِ

Юқорида таъкидлаганимиздек, туташ фбоғловчисидан кейин келаётган сўз гаптаги вазиятга кўра икки хил ҳолатда бўлиши мумкин. Аввалги фаслда ушбу боғловчидан кейин келаётган сўз рафъ ҳолатида келганини кўриб чиқгандик. Лекин олдинги жумла буйруқ, ман, илтимос, тилак, насиҳат ёки савол маъносида, кейингиси эса ҳаракат ёки ҳодиса, инсоннинг ҳоҳишига бўйсунувчи ҳолат бўлса фбоғловчисидан сўнг истак майлидаги, яъни насб ҳолатидаги феъл қўйилади. Масалан:

Мен сени йўқлашим учун сен менинг йўқлагин. زُرْنِي فَأُزَوِّدَكَ

ифодамаси истак майлидаги феъл олдида ҳаракатнинг мақсадини ифодалашда хизмат қилади.⁴¹ Масалан:

Мен шаҳарга кириш учун (мақсадида) юрдим. سِرْتُ حَتَّى أَدْخُلَ الْمَدِينَةَ

Истисно юкламалари, араб тилида حروف الاستثناء деб номланади. Истисно: عدا، حاشا، خلا، غير، سوى، لا юкламалари орқали ифодаланади.

Шунингдек, “ لا سيما” хослигида юкламасини қўшиш мумкин.

لا юкламаси

1. Агар жумла тасдиқий бўлса, бу юкламадан сўнг исм тушум келишигида қўйилади. Масалан:

مَرَرْتُ بِأَصْحَابِكَ إِلَّا عَمْرًا –

Амрдан таиқари ҳамма дўстларинг ёнидан ўтиб кеттим.

⁴⁰ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: Восточная литература, 1998. –С. 419.

⁴¹ شيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. –القاهرة، 2007. ص. 134

2. Агар инкорий жумладаги истисно қилинаётган тушунча ифодаланган бўлса, истисно қилинувчи у билан келишикда тўғирланади, ёки тушум келишикда қўйилади. Масалан:

Сенинг отангдан таишқари ҳечкимни қаришиламадим. – ما سَلَّمْتُ عَلَى أَحَدٍ إِلَّا أَبِيكَ

3. Агар истисно қилинувчи чекланаётган нимаси биландир бошқа бўлим (категория) га тегишли бўлса, у ҳолда тушум келишигида туради. Масалан:

Инсонлар қайтишмади, фақатгина кичик мол... – ما رَجَعَ الْقَوْمُ إِلَّا الْغَنَمَ.

4. Агар гап исмий бўлиб, жумла истисно қилинувчи билан ифодаланса, бу юклама кўпинча бўғловчиси билан бирикади. Масалан:

—وما وَصَلَ الْمَالُ إِلَّا وَقَدْ مَرَضَ مَرَضَةً

Пуллар етиб келмасидан олдин у қаттиқ касал бўлиб қолди.

юкламалари حاشا عدا، خلا

Бу юкламалардан сўнг истисно сўз қаратқич ёки тушум келишигида туриши мумкин. Масалан:

Мен Амрдан таишқари ҳаммани кўрдим. – رَأَيْتُ كُلَّهُمْ حاشا عمراً.

Агар юкламаларига юклмаси ҳам қўшилса, у ҳолда фақат тушум келишигида қўйилади. Масалан:

Амрдан таишқари. – ما خلا عمراً.

Исм олдидаги инкор феъли ва юкламалари орқали ифодаланади.

1. ليس ёрдамида исмий кесим инкор этилади, шунингдек, инкор этилувчи тушум келишигида қўйилади ёки бпредлоги билан огоҳлантиради (олдини олади).⁴² Масалан:

Зайд нодон эмас. ليس زيدٌ جاهلاً.

2. لва юкламалари олдида:

d) Исмий кесим тушум келишигида ёки бпредлоги билан бирга туради. Масалан:

Вақт ортга қайтмайди. ما الزمانُ راجعاً.

Эганинг тушум келишигида туришини талаб қилувчи юкламалари

لва унга ўхшашлар деб номланувчи юкламалар бўлиб, жумла бошида туради ва ундан кейин келган эга тушум келишикда, исмий кесим эса бош келишикда туради. Агар эга – кишилик олмоши бўлса, у ҳолда у олмош суффикси (сўз ясовчи қўшимча) кўринишида юкламага қўшилади. Бу юкламалар эгага эга ундан кейин келгандагина таъсир кўрсатади. Лекин бу юкламалар билан эга ўртасида предлог билан (кесим маъносида) бошқариладиган исм турган бўлса, у ҳолда юкламаларнинг грамматик таъсири сақланиб қолади.⁴³

1. “дарҳақиқат” далил, исботни алоҳида кўрсатиш учун хизмат қилади. Шунингдек, эга люкламаси ёрдамида ҳам кучайтирилиши мумкин. Масалан:

Дарҳақиқат Зайд ақллидир. إن زيدًا عاقلٌ.

2. ққўшимчага оид исмий жумла киритади. Масалан:

Ҳийла эканлигини билди. عَرَفَ أَنَّهَا حيلةٌ.

3. “гёёки”. Масалан:

⁴² Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. 78-б.

⁴³ شيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. –القاهرة، 2007. ص. 231

جلس و كأنَّ على رأسِهِ طيراً. — У ҳудди бошида қуш бордек ўтирарди.

4. “ لكن” , “аммо”, “бирок”. Масалан:

هو قَدِرُ الْمَلْبَسِ ثَقِيلُ الدَّمِّ و لَكِنَّهُ يَدَّعَى اللِّطَافَةَ و خِفَّةَ الدَّمِّ —

У кир кийинган ва оғир характерга эга, лекин ўзини мафтункор ва ёқимли деб ҳисоблайди.

5. “ ليت” бўлганда эди”. Масалан:

يا لَيْتَ بَيْنِي و بَيْنَكَ بُعْدُ الْمَشْرِقَيْنِ —

Мен билан сени орамизда ғарб ва шарқ орасидаги масофа бўлганда эди.

6. “ لعل” , “балки”, “ехтимол”. Масалан:

لَعَلَّكَ تَتَذَكَّرُ كَيْفَ كَانَ الْأَمْرُ. — Балки иш қандай бўлганини эсларсан.

Мазкур фаслда исмларни тушум келишигида, яъни насб ҳолатида келишини талаб этувчи юкламаларни кўриб чиқдик. Араб тилида бу сўзлар тушум келишикда турсаларда, уларни ўзбек тилига тушум келишигида таржима қилиш тўғри бўлмайди. Шундан кўриниб турибдики, бу сўзлар келишик маъносига эмас, шаклига таъсир этади. Шунингдек, феълларни ҳам насб ҳолати мавжуд бўлиб, бу борада кейинги фаслда кўришни жоиз топдик. Чунки бу ҳолатда келишини талаб этувчи юкламалар феъл майилларини ўзгартиришга сабаб бўлади.

2.4. Феъл майилларини ўзгаришига сабаб бўлувчи ёрдамчи сўзлар

Феълни истак майлига қўювчи юкламалар ҳақида гап борар экан шуни айтиш керакки, бу юкламалар ўзидан кейин келаётган феълни насб ҳолатида келишини талаб қилади. Насб ҳолати шартли равишда ўзбек тилига истак майли деб таржима қилинган. Насб ҳолатидаги сўзнинг таржимаси ҳар доим ҳам истакни билдирмади. Буни кейинги мисолларда кўришимиз мумкин.

1. أبۇيرۇق، تاڭقىق، ىستاك، شارتنى ىفодалайдиган феъллардан кейин қўлланилади.⁴⁴

ليس لك أن تقتله – *Сен уни ўлдирмаслигинг керак.*

Бу юклама ушбу вазифада феъл билан биргаликда масдарга тенг ва у билан алмаштирилиши мумкин. Масалан:

طلبْتُ أن يحضر. ўрнига

طلبْتُ حُضْرَهُ. – *Мен унинг иштирокини талаб қилдим.*

2. كي. Масалан:

أشدُّ به أذى كى نُسَبِّحَكَ كَثِيرًا – *Биз сени мақташимиз учун, мени бунда қўллагин.*

3. حتى. Масалан:

جئتُ حتى أوزرك. – *Мен сени йўқлаш учун келдим.*

4. لن юкламасидан кейин келаётган феъл ىستак майли шаклида бўлсада, келаси замоннинг мутлоқ инкорини билдиради. Масалан:

لن يضرب У ҳеч урмайди.

5. إذاёки “إذُنдай бўлса”. Бу юклама қуйидагиларда феъл майлига таъсир кўрсатади:

а) У жумланинг бошида жойлашган бўлиши керак ва феъл албатта унга эргашади.

б) Бунда иккинчи жумла хулоса вазифасида биринчига жавоб бўлиши керак. Масалан:

أَلَطَّسْتُ جَيِّدٌ – إِذَنْ نَذْهَبُ نَتَنَزَّهْ . – *Об ҳаво яхши – ундай бўлса айланишга кетамиз.*

6. “أوقанайдир воқеа ёки ҳодиса содир бўлмагунгача”. Масалан:

⁴⁴ Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: Восточная литература, 1998. –С. 422.

لَأَلْزَمَنَّكَ أَوْ تُعْطِيَنِي حَقِّي –

Менга тегишли нарсани бермагунинггача сени тинч қўймайман.

7. ل. Учун, мақсадида маъноларини ифодалашда хизмат қилади.⁴⁵

8. "ف" олдинги феълнинг ҳаракати мақсадини ифодалашда хизмат қилади.

Демак, истак майли шаклини талаб қилувчи юкламалардан олдин маълум модал феъллар келиши ҳам мумкин, бунда асосий феъл истак маъносинида, иш-ҳаракат номи этиб таржима қилиш мумкин. Агар бу юкламалр мустақил келса унда таржимаси истакни блиравермайди.

Феълни шарт майлига қўядиган юкламалар араб тилида الحروف العاملة في⁴⁶, улар қуйидагилардир:

1. (جدد مطلق (тўлиқ инкор) لم
2. (جدد مستغرق (қамраб олувчи инкор) لما
3. (لام الأمر) бўйруқ маъносида қўлланилади
4. (لا للنهي) ўтаъқиқни ифодалашда қўлланилади.
5. Шарт маъносини ифодалашда хизмат қилувчи боғловчи ва исмлар.

1. “اгар” боғловчиси шартнинг оддий юкламаси ҳисобланади. Жумланинг шарт қисмида қўлланилади. Масалан:

اگر زايد بورس، من معه يذهب. – Агар Зайд борса, мен у билан бирга бораман.

2. Баъзи бир сўзлар боғловчиси вазифасини ўтайди, лекин ўз асосий маъноларини сақлаб қолади. Буларга:

а) Умумлаштирувчи олмошлар: من، ما، أي، أيهم، أيكم، مهما. Масалан:

⁴⁵ Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. 55-б.

⁴⁶ شيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. –القاهرة، 2007. ص. 131

مَنْ تُكْرِمُ أَكْرِمَ. –

Сен кимни хурмат қилишингда қатъи назар мен ҳам хурмат қиламан.

b) Ўрин ва пайт равиши шартни ифодалаётганда қўлланилади(الظروف):
(التي تجازى بها):

متى، أين، أنى، حيثما، إنتما. Масалан:

Сен қаерда турсанг, мен ҳам ўша ерда тураман. - أَنْ تَقُمْ أَقُمْ.

Яна бир эслатиб ўтамиз, “а” ва “б” пунктдаги сўзлар оддий ишлатилишида шарт маъносини ифодаламайди: من، ما، أي، متى، أين.

3. Шунингдек, шарт маъноси *إذا* боғловчиси орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бу юклама асосан ҳозирги ёки келаси замонни ифодалашда феъл перфекти билан қўлланилади. Масалан:

Агар дўстим айтса, туядек отланаман. - عَلَى مِثْلِهَا أَمْضِي إِذَا قَالَ صَاحِبِي.

4. Шарт жумласи ёки бажарилмаган феъл перфекти билан биргаликда *لو* боғловчиси билан ифодаланади. Масалан:

لَوْ كُنْتُ مِنْ مَازِنٍ لَمْ تَسْتَبِخْ إِلَيَّ بَنُو لَقِيْطَةَ. –

Агар Мазин қабиласидан бўлганимда, менинг туяларимни Бану Лакита қабиласи қўлга олмаган бўлар эди.

5. Жумлада инкорий шарт *لو لا* боғловчиси орқали ифодаланади. Масалан:

لَوْلَا زَيْدٌ لَهْلَكَ عَمْرُؤُ. – Агар Зайд бўлмаганда, Амр ҳалок бўларди.

Демак, фақат феълларга хос бўлган жазм ҳолати, яъни шарт майли шакли маълум юкламалардан кейин келади. Аммо бу юкламалардан кейин келаётган феъл ҳар доим ҳам шарт майлини ифодаламайди. Шарт бўлиши учун, унинг жавоби, яъни асосий гапи бўлиши керак.

Хулоса

Ёрдамчи сўзлар хусусида сўз борар экан уларнинг нақадар чуқур маънога эга эканлигини, жумлада ўз ўрнига эга бўлиб муҳим аҳамият касб этганининг гувоҳи бўламиз. А. Смиринскийнинг ёрдамчи сўзларга берган таърифи билан танишиб чиқар эканмиз, унинг ушбу мавзуни ўзига хос тарзда очиб берганининг гувоҳи бўлдик. Шунингдек, тадқиқотнинг I боб, биринчи фаслида ўзбек тили грамматикаси билан қиёслаб кўришга ҳаракат қилдик. Ўзбек тилида олд кўмакчилар эмас орт кўмакчилар қўлланилишини гувоҳи бўлдик.

Битирув малакавий ишимизда Антуан Дахдахнинг асари асосий манба қилиб олинганлиги боис унинг ёрдамчи сўзларга берган изоҳи билан танишиб чиқишга муваффақ бўлдик. Антуан Дахдах ёрдамчи сўзларнинг нафақат тузилишига ва уларнинг гапда қандай вазифада келишига эътибор қаратган, балки уларнинг мазмун жиҳатини ҳам ўзига хос тушунарли тарзда таснифлаб берган. Ҳар бир ҳарфнинг қандай маъно касб этишини қисмларга бўлиб ажратиб кўрсатган.

Ёрдамчи сўзларнинг бундай таснифлари мазкур мавзуни тушунишда ва араб тилидаги келишикларни берилишини англашда катта ёрдам беради. Дарсликларда ёрдамчи сўзлар қўлланилиш ўрнига кўра турли мавзуларда берилган. Мазкур тадқиқотда ёрдамчи сўзларни бир ерда жамлаб, уларнинг бошқарувларига кўра турли мавзуларни ўрганиш қулайлигини кўрсатишга ҳаракат қилинди. Шунингдек ҳар бир ёрдамчи сўзнинг семантикасига ва синтаксисдаги ўрнига алоҳида эътибор берилди. Шунини айтиш керакки, баъзи

ёрдамчи сўзларнинг қўлланилиш ўринлари дарсликларда тўлиқ берилмаган. Ушбу тадқиқот материалларидан талабалар фойдаланса, араб тили синтаксисдаги баъзи масалаларни таҳлили осонроқ кечиб, таржима маҳорати ортади.

Мазкур тадқиқот жараёнида олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Араб тилидаги ёрдамчи сўзлар ўзи тегишли сўздан олдин келиб, ўзбек тилига таржима қилинаётганда аниқ орт кўмакчини қўйиш учун ёрдамчи сўзнинг маъносига аниқ эътиборни қўйиш зарур;

2. Антуан Дахдаҳнинг таснифига кўра ёрдамчи сўзларнинг ҳар бири аниқ бир семантик маънога эга эмас, синтаксисдаги ўрни ва тематикасига кўра ёрдамчи сўзларнинг маънолари эгилувчандир. Аммо Антуан Дахдаҳ тақдим этган семантик таснифга эътибор бериб, чегарадан чиқмаслик лозим.

3. Ёрдамчи сўзлар исмларни ва феълларнинг ҳозирги келаси замон шаклини бошқариши мумкин. Бошқарув исмларнинг қаратқич ва тушум келишигида, феълларнинг шарт ва истак майли шаклларида содир бўлади. Бошқарув бўлмаса исмлар бош келишикда, феъллар эса дарак майлида бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙЎАТИ

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг асарлари:

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 2009. 6- декабр.
1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. -Т.:Ўзбекистон, 1995. - 278 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. - 326 б.
3. Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш давр талаби. -Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -382 б.

Ўзбек ва рус тилидаги адабиётлар:

4. Абдурахмонов Г.А. Хозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Ўзбекистон, 1966.
5. Гранде Б. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М.: Восточная литература, 1998.
6. Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997.

7. Ковалёв А.А., Шарбатов Ш.Ш. Учебник арабского языка. –М.: Наука, 1969.
8. Мирзаев М. Ўзбек тили. –Т.: Ўқитувчи, 1970.
9. Носирова М. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи.-Т.:ТДШИ, 2005.
10. Талабов Э. Араб тили. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
11. Холидов Б.З. Учебник арабского языка. – Т.: Ўқитувчи, 1981.
12. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М, Хожиев А, Дониёрова Х. Хозирги ўзбек адабий тили. –Т. : Ўқитувчи, 1980.
13. Яковенко Э. В. Неправильные глаголы арабского языка. –М.: Вост лит., 2000.
14. Гуломов А.Ғ. Ҳозирги замон ўзбек тили. Ситаксис. –Т.: Ўрта ва олий мактаб, 1961.116-б.
15. Шарбатов Г.Ш. Современный арабский язык. –М.: Вост. Лит.,1961.
- 16.Гиргас В. Очеркъ грамматической системы арабовъ. -СПб.: Типография Императорской Академии Наук, 1873.
17. Рыбалкин В. С. Арабская лексикографическая традиция. –Киев: Наука, 1990.
18. Белкин В.М. Арабская лексикология. –М.: Вост лит., 1975.
19. Шарафудтинова Р.Ш. Принципы выделения предлогов в современном арабском языке // Восточная филология. –Москва, 1971.
20. Хожиев А., Решетова Л. Ўзбек тили грамматик терминларининг қисқача изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1980. -56 б.
21. Шагаль В.Э. Учебник арабского языка. -М.: Политиздат, 1981. -786с.
22. Шагаль В.Э. Арабские страны: язык и общество. -М.: Вост.лит.РАН, 1998. - 280с.

23. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. -Т.: Фан, 1986. -164 б.

24. Этова Р.А. Материалы сопоставительного анализа грамматических систем русского и арабского языка. –М., 1975. –с.

25. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. М.: Наука, 1985. - 172с.

26. Юшманов Н.В. Работы по общей фонетики, семитологии и арабской классической морфологии. -М.: Вост.лит.РАН, 1998. -271 с.

27. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. I-II. М.: Русский язык, 1981. -Т. 1- 632 б., Т. II - 717 б

Инглиз тилидаги адабиётлар:

28. Radwan, Abdul-Aziz Ali-Salih Al-Wadih fiy-Al-Nahv (the clear Book of Syntax). Vol.3 Cairo: Dar Al-Kutub, 1987. 416pp

29. Zahoor Ahmed.Essentials of Arabic Grammar for Learning Quranic Language. London: (M.A, M.Sc), 2008.

30. Wightwick J. Gafaar M. Arabic Verbs and Essentials of Grammar- NY.;2009.

31. Wright W. A grammar of the Arabic language. - Beirut, 1996.

32. Saqib Hussain. Basic Arabic Grammar. Beirut, 2009

Араб тилидаги адабиётлар

1. الشيخ مصطفى الغلاييني. "الدروس العربية". بيروت-1993م

2. حفني ناصف. الدروس النحوية . دار العقيدة 2007م

4. عباس حسن. النحو الوافي. دار المعارف. القاهرة. 1967. ج 1-4. ص. 712.

5. فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. نهضة مصر. 1973. ص. 214

6. أنطوان الدحدح. معجم قواعد العربية العالمية. لبنان، 1992. ص. 249.

Луғатлар.

1. Ан-Наъим. арабча - ўбекча луғат. –Т.: Абдулла Қодирий, 2003.
2. Баранов Х.К. Арабско русский словарь. –Москва: Русский язык, 1989
3. Русско – узбекский словарь. –Москва: ТИС, 1954
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т., 1981
5. Карманный русско арабский словарь. –Москва: Русский язык, 1988

Интернет сайтларидаги манбалар:

1. www.arabic-language.by.ru
2. www.arabesque.boom.ru
3. www.arabrepetitor.narod.ru
4. www.lingvo.ru
5. <http://coolreferat.com>
6. <http://planetadisser.com>
7. <http://ru.wikipedia.org>
8. <http://az-zaman.com>
9. www.arabic-studio.com